

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ЛОЙИХА БОШҚАРУВИНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдуллаева Рухсора Ботир қизи

Банк молия академияси, Лойиха бошқаруви

ARTICLE INFO.

Keywords:

Абстракт

Ҳозирги рақобатбардош бизнес муҳитида акциядорлик жамиятлари (АЖлар) самарадорлик, фойдалилик ва акциядорлар қийматини сақлаб қолишда катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Лойиха бошқаруви бу ташкилотларга стратегик мақсадларга эришиш, ресурсларни оптимал тақсимлаш ва шаффофликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу мақолада АЖларда лойиха бошқарувининг аҳамияти, унинг корпоратив бошқарув, самарадорлик, рискларни бошқариш ва узоқ муддатли барқарорликка кўшган ҳиссаси ёритилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2025 LWAB.

Кириш

Акциядорлик жамиятлари иқтисодийнинг энг муҳим корпоратив тузилмаларидан бири ҳисобланади. Улар йирик инвестицияларни жалб қилиш, капитал бозорини ривожлантириш ва янги технологияларни жорий этишда етакчи ўрин эгаллайди. Бундай компанияларда самарали бошқарув тизимини шакллантириш, лойиҳаларни оқилона режалаштириш ва амалга ошириш жараёни муваффақият гарови ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, лойиҳа бошқаруви АЖларда стратегик ривожланиш воситаси сифатида тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Лойиҳа бошқаруви назариялари сўнги ўн йилликларда жадал ривожланди. PMI (Project Management Institute) тамонидан ишлаб чиқилган стандартлар ва ISO 21500 каби халқаро меъёрлар лойиҳаларни бошқаришда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув қоидалари ва шаффофлик талабларига амал қилган ҳолда лойиҳаларни амалга оширишлари зарур. Хорижий амалиётлар шуни кўрсатадики, самарали лойиҳа бошқаруви компания акциялари қийматининг ошиши ва инвесторлар ишончи ортишига олиб келади.

Асосий қисм

Лойиҳа бошқарувининг АЖлардаги асосий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Самарадорлик ва ресурсларни бошқариш – ресурсларни оптимал тақсимлаш орқали харажатларни қисқартириш.
2. Рискларни бошқариш – молиявий ва ташкилий хавфларни олдиндан аниқлаш ва

камайтириш.

3. Инновациялар ва рақамли трансформация – янги технологияларни жорий этиш ва рақамли иқтисодиётга мослашиш.
4. Стратегик мақсадларга эришиш – акциядорлар қийматини ошириш ва узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш.

Муҳокама

Ўзбекистонда ҳам акциядорлик жамиятлари учун лойиҳа бошқаруви долзарб масала ҳисобланади. Миллий қонунчилик ва халқаро тажрибага асосланиб, компаниялар корпоратив бошқарувни кучайтиришга, инвестициявий жозибадорликни оширишга ва самарадорликни таъминлашга интилаяпти. Бироқ, айрим муаммолар – кадрлар етишмаслиги, рақамли технологиялардан тўлиқ фойдаланмаслик – ҳали ҳам мавжуд. Шу боис, лойиҳа бошқарувини мукамал йўлга қўйиш иқтисодий ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик жамиятларида лойиҳа бошқаруви нафақат ташкилот самарадорлигини ошириш, балки акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун куйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Халқаро стандартларга мос лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш;
2. Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
3. Рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш;
4. Корпоратив бошқарувда шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Project Management Institute (2017). A Guide to the Project Management Body of Knowledge (PMBOK® Guide).
2. ISO 21500:2012, Guidance on Project Management.
3. OECD (2019). Corporate Governance Factbook.
4. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари.
5. Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари.